



Кун нафаси



АНДИЖОН ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 1 февраль кунини Андижон вилоятида бўлди.

ДЎСТЛИК ВА ЎЗАРО ҲАМЖИХАТЛИК РУҲИДА



Душанбе шаҳрида Ўзбекистон – Тожикистон қўшма демаркация комиссияси ишчи гуруҳларининг навбатдаги йиғилиши якунланди.

23-30 январь кунлари томонлар давлатлараро чегаранинг лойиҳа-демаркация чизиғини ўтказиш масаласини, шунингдек, демаркация харитаси тузишнинг технологик жараёнини муҳокама қилди.

Мулоқот дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди. Тадбир якунида тегишли Баённома имзоланди.

ОРОЛ ТУБИДА «ЯШИЛ ҚОПЛАМАЛАР»



Орол денгизининг суви қуриган тубида «яшил қопламалар» – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш, шу орқали ҳудудда мавжуд экологик вазиятни соғломлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли ҳаётига салбий таъсирни янада юмшатиш борасида «Денгиз чекинса ҳам, инсон чекинмайди» шиори остидаги жорий йилги ишларга старт берилди.

ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ



Ўзбекистон табиат ресурслари вазири Азиз Абдуҳакимов БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Матильда Димовска билан учрашув ўтказди.

БОШҚИРДИСТОНЛИК ИНВЕТОРЛАР ЖИЗЗАДА



Жиззах вилояти ҳоқими Эргаш Салиев Россия Федерациясининг Бошқирдистон Республикаси вакили Марсель Асфандияров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.


Бошқирдистонлик инвесторлар билан Жиззах вилоятидаги қурилиш, тўқимачилик, электр, нефть маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш масалалари хусусида кенг қамровли музокаралар олиб борилди ва ҳар икки томон имкониятлари атрофлича муҳокама қилинди.

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

2023-yil
2-fevral
payshanba
№ 15-16 (4768)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



2023 ЙИЛ УЧУН ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

2022 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни имзоланди, ушбу кодекс 2023 йил 30 апрелдан қучга киради.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш соҳасида ижтимоий шериклик имкониятларини кенгайтирди.

Маълумки, жамоа шартномаси бошланғич даражадаги ижтимоий шерикликнинг энг муҳим ҳужжати ҳисобланади ва унга Меҳнат кодексининг алоҳида боби бағишланган.

Жамоа шартномаси ташкилотда ёки якка тартибдаги тадбиркорда якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳамда ходимлар томонидан ўз вакиллари орқали ва иш берувчи томонидан тузиладиган меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатдир.

>>> 2



Наманган вилояти

Таҳсин

ФИДОКОРОНА МЕХНАТ ЭЪТИРОФИ

Утган ойда ҳукм сурган совуқ кунларда тармоқларда юзага келган носозликларни бартараф этишда ободонлаштириш, коммунал соҳа ходимлари кечаю кундуз ишлашди. Айниқса, ишини фидойилик билан давом эттирганлар меҳнати акс этган суратлар ижтимоий тармоқларда тарқалиб, кўпнинг олқишига сазовор бўлди.

Хусусан, «Наманган сув таъминоти» МЧЖ авария-тиклаш хизмати ходимларининг ичимлик сув тармоғида юзага келган носозликларга барҳам бериш

билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар таҳсинга лойиқ.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши томонидан ўз «постида» фидокорона меҳнат қилган «Наманган сув таъминоти» МЧЖ авария-тиклаш хизматининг бир гуруҳ ходимларига дам олиши ва соғлиқларини тиклаши учун «Косонсой» санаторийсига бепул йўлланмалар ажратилди.

Орзуғул РУСТАМОВА «ISHONCH»



Ўқув-семинар

ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ

уни ўтказиш Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилади

Ўзбекистон касба уюшмалари қошидаги Малака ошириш институтида бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда гендерга оид аудитни ўтказувчи мутахассислар учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вазирлик, идора ва ташкилотлар ва уларнинг ҳудудий тузилмалари мутахассислари, касба уюшмалари инспекторлари, гендер масалалари бўйича тренерлар ва бошқалар иштирок этишди.

>>> 2



Жиззах вилояти

Ҳуқуқ

БОЙМИРЗАЕВА ИШГА ТИКЛАНДИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига Жиззахлик Дилфуза Боймирзаева ўзи меҳнат қилаётган Зомин туманидаги 5-умумтаълим мактабида унинг ҳуқуқлари бузилаётгани, асоссиз равишда дарс соатлари қисқартирилиб, ишдан бўшатилигани ва ушбу масалани ўрганиб, ижобий ҳал қилишда ёрдам сўраб, мурожаат қилган эди.

Унинг мурожаати атрофлича ўрганилиб, иш берувчига ғайриқонуний буйруқни бекор қилиш, ходимни ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунла-

рига ҳақ тўлаш ҳақида 2022 йил 28 январда тақдимнома киритилган эди. Бироқ иш берувчи бу тақдимномани қаноатлантirmай келди.

Шу боис низо суд тартибида ҳал қилинадиган бўлди. Фуқаролик ишлари бўйича Фориш тумани судининг 2022 йил 7 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, Д.Боймирзаевага 10 128 000 сўм иш ҳақи ва 2 миллион сўм маънавий зарар ундириб бериладиган бўлди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ «ISHONCH»



Азиз газетхонлар! Сизга «Ishonch» газетаси ўз вақтида етиб бораётими? Бу борада муаммолар бўлса, телеграмдаги «Муштарий минбари» каналига – t.me/ishonchmurojaat манзили орқали мурожаат қилинг. Сизнинг ишончингиз – биз учун муҳим!

<<< 1

«Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги «Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 2022 йил 15 декабрдаги қонуни билан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида гендерга оид аудит ўтказиш белги-ланган. Мазкур қонунга биноан гендерга оид аудит тасдиқланган уч йиллик режага мувофиқ Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилади.

Семинарда Федерация раисининг ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев гендерга оид аудит ҳақида тўхтади.

– Бу давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан, кадрлар сиёсати олиб боришда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашуви ўрганиш ва баҳолаш тушунилади, – деди Бахтиёр Маҳмадалиев. – Гендерга оид аудитнинг асосий вазифалари давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркеклар сонининг нисбатини, гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этилган ҳолатини ўрганиш, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бора-борасида қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолатини баҳолаш, тенг ҳуқуқ ҳамда имконият-



Бўлиқ МУРТАЗАЕВА олган суратлар

ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ

уни ўтказиш Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилади

ларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Сир эмас, бутун дунёда гендер тенгликни таъминлаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, гендер тенглик – жамият ҳаётининг барча жабҳасида барқарор тараққиётга эришиш учун асосий пойдевордир.

Ўтган йилларда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш бўйича мамлакатимизда ҳам муҳим қарарлар қўйилди. Хусусан, аёлларнинг давлат бошқарувидаги ўрнини тобора кучайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар натижасида, мамлакатимиз бошқарув тизимида аёл-

ларнинг улуши 33 фоизга етказилди. 16 нафар аёл Ички ишлар вазирлиги тизимида раҳбарлик, 6 нафар аёл ҳокимлик, 1 нафар аёл элчи лавозимини эгаллади. 1 минг 500 нафарга яқин хотин-қиз турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, давлат раҳбарининг ташаббуси билан хотин-қизларни ижтимо-

ий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида «Аёллар дафтари» тизими жорий этилиб, бунинг учун ҳар йили давлат бюджетидан 300 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда. Мисол учун, биргина 2022 йилда «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичи доирасида 635 минг 522 нафар хотин-қизнинг муаммоси тегишлилиги бўйича ижобий ҳал этилди.

– Бугун хотин-қизларнинг оилада, жамиятда, айниқса, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Меҳнат инспекцияси бошлиғи Қобилжон Қирғизалиев. – Бироқ тан олиш керак, бизда аёлларнинг ўрни ошхонада, деган қарашлар ҳали ҳам буткул йўқолмаган. Семинаримизда кўтарилган масалалар ҳам айти шу қарашни ўзгартиришга қаратилди. Тўғри, бунга биргина семинар орқали эришиб бўлмайди. Бунинг учун аҳоли ўртасида тўхтовсиз тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим. Шу йўл билангина кўзланган мақсадга эришамиз.

Шунингдек, тадбир давомида сўзга чиққанлар гендер тенгликни таъминлаш йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, бу йўлда қабул қилинаётган қарор ва фармонлар, амалга оширилаётган ишларга алоҳида урғу берилди.

Ўқув-семинар якунида қатор вазифалар белгилаб олинди.

Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

2023 ЙИЛ УЧУН ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

<<< 1

Жамоа шартномаси умуман ташкилотда, унинг алоҳида бўлинмаларида тузилиши мумкин. Жамоа шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Жамоа шартномасини тузиш зарурлиги тўғрисидаги қарор ва уни тузиш масаласи бўйича жамоавий музокаралар бошлаш тўғрисидаги таклиф исталган тарафдан берилиши мумкин.

Жамоавий музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш учун ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия тузилади.

Жамоавий музокаралар. Ижтимоий шерикликнинг ҳар қандай тарафи жамоавий музокаралар ташаббускори бўлиши мумкин.

Авалги жамоа шартномасининг амал қилиш мuddати тугагунга қадар уч ой ичида ёки ушбу ҳужжатда белгиланган мuddатларда ижтимоий шерикликнинг ҳар қандай тарафи бошқа тарафга янги жамоа келишувини, жамоа шартномасини тузиш юзасидан музокаралар бошлаш тўғрисида ёзма хабар юборишга ҳақлидир.

Иш берувчиларнинг манфаатларини ифода этувчи шахслар, шунингдек, иш берувчилар ташкил этган ёки молиялаштирадиган органлар томонидан ходимлар номидан жамоавий музокаралар олиб борилишига ҳамда жамоа шартномаси тузилишига йўл қўйилмайди.

Ижтимоий шериклик тарафлари тегишли сўров олинган кундан эътиборан **икки ҳафтадан** кечиктирмай жамоавий музокаралар олиб бориш учун зарур бўлган ўзидagi мавжуд ахборотни бир-бирига тақдим этиши керак.

Жамоавий музокаралар иштирокчилари, жамоавий музокаралар олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар олинган маълумотларни, агар ушбу маълумотлар давлат сирларига ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга тааллуқли бўлса, ошкор қилмаслиги лозим.

Жамоавий музокаралар бошланиши тўғрисида билдиришнома олган ижтимоий шериклик тарафи **етти кунлик мuddатда ташаббускорга жамоавий музокаралар ўтказилиши ҳақида жавоб юборган ҳолда жамоавий музокараларга қиритиши шарт**. Агар тарафларнинг келишувига кўра жамоавий музокаралар бошланганининг бошқа санаси белгиланмаган бўлса, жамоавий музокаралар ўтказиш ташаббускори томонидан мазкур жавоб олинган кундан кейинги кун жамоавий музокаралар бошланадиган кун бўлади.

Жамоавий музокаралар ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия томонидан олиб борилади. Ушбу комиссия, зарурат бўлганда, ишчи гуруҳлар тузишга ҳақли.

Ишчи гуруҳлар тарафлар тенглиги асосида ижтимоий шериклик тарафларининг вакилларидан шакллантирилади. Тарафларнинг ҳар бири ишчи гуруҳдаги ўз вакилларининг

шахсий таркибини мустақил равишда белгилайди. Тарафларнинг келишувига кўра ишчи гуруҳ таркибига маслаҳат овози бериш ҳуқуқига эга бўлган мустақил олимлар, экспертлар, мутахассислар шартнома асосида киритилиши мумкин.

Агар жамоавий музокаралар жараёнида жамоавий музокаралар тарафлари музокаралар предмети бўлган айрим масалалар юзасидан келишувга эриша олмаган бўлса, улар иштилофларга сабаб бўлмаган масалаларга доир келишувни расмийлаштиради ва бир вақтнинг ўзида келишувга эришиб бўлмаган масалалар бўйича **ихтилофлар баённомасини тузади**.

Агар жамоавий музокаралар жараёнида музокаралар предмети бўлган барча масалалар юзасидан келишилган қарор қабул қилинмаган бўлса ҳам музокаралар тарафлари иштилофлар баённомасини тузади.

Иштилофлар баённомасида тарафларнинг иштилофларни барта-раф этиш учун зарур бўлган чоралар ва жамоавий музокараларни қайта тиклаш мuddатлари тўғрисидаги келишиб олинган таклифлари кўрсатилади.

Тарафлар жамоавий музокараларни қайта тиклаш чоғида ҳал қила олмаган иштилофларни ҳал этишга (тартибга солиш) доир низолаш жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Жамоавий музокараларда, жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлашда иштирок этадиган шахслар асосий ишчи тарафларнинг келишувини билан белгиланадиган мuddатда, ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда озод этилади.

Жамоавий музокараларда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда компенсация қилинади. Агар жамоа шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, олимлар, экспертлар ва мутахассисларнинг хизматларига ҳақ тўлаш таклиф қилувчи тараф томонидан амалга оширилади.

Жамоавий музокараларда иштирок этадиган ходимларнинг вакиллари билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан ушбу музокаралар олиб борилаётган даврда бекор қилишга, шунингдек, уларга нисбатан интизомий жазо қўллашга ёки уларни бошқа ишга ўтказишга уларнинг вакиллик қилишига воқолат берган органнинг олдидан розилигини олмасдан йўл қўйилмайди.

Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилиши.

Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилишини унинг тарафлари белгилайди.

Жамоа шартномасига иш берувчининг ва ходимларнинг қайидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин:

меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар;

нархларнинг ўзгаришидан, инфляция даражасидан, жамоа шартномасида белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;

ходимларнинг бандлиги, уларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни ишдан бўшатиш шартлари;

иш вақти ва дам олиш вақтининг, таътиллارнинг давомийлиги; ходимларнинг, шу жумладан, аёлларнинг, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ҳамда меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

ташкilotни, идорага қарашли уй-жойни хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олиш;

ишчи таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимлар учун имтиёзлар; ихтиёрий тиббий ва ижтимоий сугурта;

иш берувчи томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар киритиш миқдорлари ва мuddатлари;

жамоа шартномасининг бажарилиши устидан назорат қилиш, тарафларнинг жавобгарлиги, касба уюшмаси кўмитаси фаолият кўрсатиши учун нормал шароитлар билан таъминлаш.

Ташкilotнинг иқтисодий имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда, жамоа шартномасида бошқа шартлар, шу жумладан, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормалар ҳамда қоидаларга нисбатан имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллар, пенсияларга устамалар, мuddатидан олдин пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатларини компенсация қилиш, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг фарзандларини умумий ўрта таълим ташкilotларида ва мактабгача таълим ташкilotларида бепул ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, уяли алоқа, Интернет ҳақон ахборот тармоғи учун ҳақ тўлаш, олий таълим ташкilotларида ўқитиш учун суддалар тўлаш ва ҳақ тўлаш, бошқа қўшимча имтиёзлар ва компенсациялар) ҳам бўлиши мумкин.

Агар қонунчиликда қоидалар жамоа шартномасида албатта мустақамлаб қўйилиши шартлиги тўғрисидаги тўғридан-тўғри кўрсатма мавжуд бўлса, ушбу қоидалар жамоа шартномасига киритилади.

Жамоа шартномасида қуйидаги шартлар бўлмаслиги керак: ходимларнинг ҳолатини мазкур ходимларга таъбиқ этиладиган қонунчиликка ёки жамоа келишувларига нисбатан ёмонлаштирадиган;

меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш ҳақидаги талабларни бузадиган;

мажбурий меҳнатни тақиқлаш тўғрисидаги талабларни бузадиган; ички даражада ҳал этилиши мумкин бўлган масалалардан ташқарига чиқадиган.

Агар жамоа шартномасида юқорида назарда тутилган шартлар бўлса, бундай шартлар ҳақиқий эмасдир. Жамоа шартномаси айрим шартларининг ҳақиқий эмаслиги жамоа шартномасининг умуман ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлмайди.

Жамоа шартномасининг лойиҳасини муҳокама қилиш.

Жамоа шартномасининг лойиҳаси ташкilotнинг бўлинмаларида ходимлар томонидан муҳокама қилиниши лозим ҳамда келиб тушган таклифлар ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия томонидан маромига етказилади.

Жамоа шартномасининг лойиҳаси жамоатчилик экспертизасини ўтказиш учун тегишли касба уюшмаларига, уларнинг бирлашмаларига, бўлинмаларига ва касба уюшмалари қўмиталарига тақдим этилиши мумкин.

Жамоа шартномасининг маромига етказилган лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий йиғилишига (конференциясига) кўриб чиқиш учун киритилади.

Жамоа шартномаси, агар меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференциясида) ҳозир бўлганларнинг элик фозидан кўпроги уни ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади. Агар жамоа шартномасининг лойиҳаси маъқулланмаса, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия уни умумий йиғилишнинг (конференциянинг) таклифлари ва мулоҳазаларига мувофиқ маромига етказишда ҳамда ўн беш кун ичида умумий йиғилишда (конференцияда) кўриб чиқиш учун тақдоран тақдим этади.

Тарафлар жамоа шартномаси лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида ҳал қилган иштилофларни ҳал этиш бўйича низолаш жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш (тартибга солиш) учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Жамоа шартномаси меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференциясида) маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари учун ичида жамоа шартномасини имзолайди.

Жамоа шартномасининг кучга кириши, амал қилиш мuddати ва доираси.

Жамоа шартномаси имзоланган кундан эътиборан ёки жамоа шартномасида белгиланган кундан эътиборан кучга киради ва шартномада назарда тутилган мuddат ичида, **биноқ кўпи билан уч йил амал қилади**. Мазкур мuddат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузунига ёки амалдаги жамоа шартномасини ўзгартирунига, тўлдиргунига қадар амал қилади. Тарафлар жамоа шартномасининг амал қилиш мuddати туга-



гунига қадар уни узайтириши мумкин.

Жамоа шартномасининг амал қилиши иш берувчига ва ташкilotнинг барча ходимларига, яқна тартибдаги тадбиркорга нисбатан, ташкilotнинг алоҳида бўлинмасида тузилган жамоа шартномасининг амал қилиши эса тегишли бўлинманинг барча ходимларига нисбатан таъбиқ этилади.

Жамоа шартномасининг амал қилиши жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган ходимларга нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

Ташкilot қайта ташкilot этилаётганда шу қайта ташкilot этиш даврида жамоа шартномаси ўзининг амал қилишини сақлаб қолади.

Ташкilotни қайта ташкilot этиш якунланган пайтдан эътиборан бир ой ичида жамоавий музокараларнинг исталган тарафи амалдаги жамоа шартномасини қайта кўриб чиқиш ёки ўз кучида сақлаб қолиш тўғрисида таклиф киритишга ҳақли.

Ташкilotнинг мулкдори ўзгарганда жамоа шартномасининг амал қилиши олти ой мобайнида сақлаб қолинади. Бу даврда тарафларнинг янги жамоа шартномасини тузиш ёхуд амалдагисини сақлаб қолиш, унга ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ҳақида музокаралар бошлашга ҳақли.

Жамоа шартномасини қайта кўриб чиқиш чоғида аввалги жамоа шартномасида ходимлар учун назарда тутилган имтиёзларни сақлаб қолиш мумкинлиги ҳақидаги ва бошқа шартларни бажариш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

Ташкilot (унинг алоҳида бўлинмаси) тугатилаётганда жамоа шартномасининг амал қилиши тугатишининг бу-

тун мuddати ичида сақлаб қолинади.

Жамоа шартномаси ташкilotнинг тузилмаси, номи, бошқарув органи таркиби ўзгарган ёки ташкilot раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам ўзининг амал қилишини сақлаб қолади.

Жамоа шартномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ушбу Кодексда уни тузиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Иш берувчи жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ўн кундан кечиктирмай ходимларни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб таништириши шарт.

Меҳнат шартномасини тузишда иш берувчи ишга қабул қилинаётган ходимни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб таништириши шарт.

Жамоа шартномасининг бажарилиши устидан назорат шартнома тарафларининг вакиллари, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия, меҳнат жамоаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг тегишли органлари ҳамда бошқа воқолатли органлар томонидан амалга оширилади.

Шартнома тарафларининг вакиллари ҳар йили ёки жамоа шартномасида назарда тутилган мuddатларда меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференциясида) жамоа шартномасининг бажарилиши ҳақида ҳисобот беради.

2023 йил учун жамоа шартномасининг макети иловада келтирилган.¹

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими

¹ Макет мазмуни умумий тусга эга. Ҳар бир иш берувчи ва касба уюшмаси кўмитаси ўзларининг муайян ташкilotи фаолият соҳаси ва тури, ишлаб чиқаришининг шароитлари ва ташкilot этилиши, иш тартиби, турли тоифадаги ходимлар меҳнатидан фойдаланиши хусусиятларидан келиб чиқиб, жамоа шартномасига ташкilot фаолияти учун зарур бўлган нормаларни киритади. Ушбу ташкilot фаолиятига хос бўлмаган нормалар (масалан, кесанчиликдан, вахта услубидан) ишдан, спортчилар ёки маданият ходимларининг меҳнатидан фойдаланиши ва бошқаларни) жамоа шартномасига киритилиши шарт эмас.

МУНДАРИЖА	
Т/р.	Бўлимлар
I.	УМУМий ҚОИДАЛАР
II.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
III.	МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ
IV.	ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ
V.	МЕХНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ. МЕХНАТНИ НОРМАЛАШТИРИШ. КАФОЛАТЛИ ТўЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТўЛОВЛАРИ
VI.	МЕХНАТ ИНТИЗОМИ
VII.	МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ
VIII.	МЕХНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ
IX.	ХОДИМЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСINI ОШИРИШ. ИШНИ ТАЪЛИМ БИЛАН БИРГА ОЛИБ БОРУВЧИ ХОДИМЛАР УЧУН КАФОЛАТЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР
X.	АЁЛЛАРНИНГ ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРНИНГ МЕХНАТНИ ТАРТИБГА СОЛИШИНИНГ ҲУҚУҚИ ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА УЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚўШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР
XI.	ЕШЛАР УЧУН ҚўШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР
XII.	АЙРИМ ТОНФАДАГИ ХОДИМЛАР МЕХНАТНИ ТАРТИБГА СОЛИШИНИНГ ҲУҚУҚИ ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
XIII.	ҚўШИМЧА ИЖТИМОИЙ СУГУРТА. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР
XIV.	МАДаний-МАЪРИФий, ЖИСМОНий ТАРБИЯ ВА СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ
XV.	МЕХНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ
XVI.	ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ
XVII.	ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
XVIII.	ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЭКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК
	ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ИЛОВАЛАРНИНГ ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТИ
Жамоа шартномасининг мақоти амалдаги жамоа шартномалари тақлидини қи-собга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг 2023 йил 31 январьгача бўлган ўзгаришларига мувофиқлаштирилган. Мақет матни тавсиявий тусга эга. Давлат бюджети ҳисобидан молиявий хизматдан ташкилотлар ва муассасаларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини қабул қилишдан олдин те-гишли молия органлари билан келишиб олиш тавсия этилади.	
	48

БУҚЛАШ ЧИЗИГИ

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференциясида маъқулланган)	
20__ йил «__» Баён № ____	
(ташқилот ёки унинг алоҳида бўлинмасининг номланиши) ____ йил(лар) учун	
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ	
Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чеқдилар:	
Иш берувчи	Касаба уюшмаси қўмитаси раиси
(Ф.И.О.)	(Ф.И.О.)
20__ йил «__»	20__ йил «__»
Жамоа шартномаси ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиянинг қуйидаги аъзолари иштирокчида имзоланди:	
Иш берувчи вакиллари	Ходимлар вакиллари
1. _____	1. _____
2. _____	2. _____
3. _____	3. _____

ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

уайтириш даврида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар қўшимча келишув кўринишида бўлган алоҳида ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва мазкур Шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. 17.13. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.	
ВУЗИИ. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЭКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК 18.1. Иш берувчи ушбу Шартнома шартларини бузувчи қарор қабул қилган тақдирда, Касаба уюшмаси қўмитаси ушбу қарорда зарарларини бартараф эттиш тўғрисида тақдирнома киритишга ҳақли, бу тақдирнома бир ҳафталик муддатда қўриб чиқилади. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитасининг ушбу ташаббусларини қаноятлантириши рақ қилган ёки белгиланган муддатда келишувга эришмаган тақдирда, келишмовчиликлар қонунчиликка мувофиқ қўриб чиқилади. Ҳабестон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»и Қонунининг 46-моддаси.	
18.2. Шартнома мажбуриятларининг бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган мансабдор шахслар Ҳабестон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур Шартномада белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.	
ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ИЛОВАЛАРНИНГ ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТИ	
1. Ташқилот рақбири ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган меҳнатни муҳофаз қилиш бўйича битими.	
2. Ходимларнинг касбий тайёргарлиги, уларни бошқа касбга ўргатиш, маалаксини ошириш, иккинчи касбга ўргатиш ишлари тўғрисида Низо.	
3. Ташқилотда касаначилик меҳнатдан фойдаланиш тартиби.	
4. Танлов бўйича эгалланиши лозим бўлган лавозимлар рўйхати	
5. Танлов бўйича эгалланиши лозим бўлган лавозимларга танлов ўтказиш тартиби	
6. Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдорига таъсир кўрсатадиган иш стажига ходимларнинг тегишли тармоқдаги ёки муайян касбга доир меҳнат фаолияти даврларини киритиш қафолатланадиган ходимлар тоифалари рўйхати	
7. Ноқулай меҳнат шартларидаги ишлар рўйхати ҳамда уларни бажаришда ўрнатиладиган қисқартирилган иш вақтининг аниқ муддатлари ҳамда ўзига ҳос, оғир ва ноқулай табиий иқлим шартларида ишларда ишловчилар учун йиллик қўшимча таътил давомийлиги.	
8. Бажарилишида тунги вақтдаги ишининг давомийлиги қундузи вақтдаги ишининг давомийлиги билан тенглаштирилган ишлар рўйхати.	
9. Иш кунини қисмларга бўлиш режими жорий этиладиган ишлар рўйхати.	
10. Иш вақтининг жамлаб ҳисобга олиш тартиби қўланиладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.	
11. Йилнинг соғуқ фаслларига очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда ишлагани учун ходимларга иш вақтида махсус тамақулфуслар бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.	
12. Ҳабестон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган Табиий-иқлим шартлари ноқулай ҳудудларнинг рўйхатида киритилмаган ҳудудларда ноқулай Табиий-иқлим шартларидаги иш учун ҳар йилги қўшимча таътил олиш ҳужуқини берувчи касблар ва лавозимлар рўйхати.	
13. Хар йилги қўшимча меҳнат таътиллари бериладиган раҳбарлар ва мутахассислар лавозимлари рўйхати	
	44

БУҚЛАШ ЧИЗИГИ

рок этишларига қўмаклашиш; е) мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги устувор дастурлар ижросида Ташқилотнинг иштирокчини мониторинг қилуш ишларида иштирок этиш; ж) электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши бошланғич касаба уюшмаси ташқилоти тармоқ кўрик-танловида иштирок этиш; з) тармоқ кўрик-танловларда иштирок этиш ташаббуси билан чиқиш; и) Иш берувчи томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунларга ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш; к) Ташқилотда Ҳабестон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПП-5775-сонли Фармони ва Ҳабестон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ҳабестон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 349-сонли қарорига тўлиқ риоя этилишига қўмаклашиш; л) иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги иш берувчининг тақдирномасини ўз вақтида кўриб чиқиш; м) иш берувчининг меҳнат шартларининг ўзгариши, шунингдек, ходимлар оммавий равишда ишдан бўшатиш тўғрисидаги ахборотини қўриб чиқиш ва иш берувчига ушбу чораларнинг оқибатларини кошатиш бўйича тақлифлар киритиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.	
2.5. Ходимлар: а) ўз меҳнат вазифаларини ҳалол ва оғишмай бажариш, меҳнат интизомига риоя қилиш, Иш берувчининг қонуний фармойишлари ва буйруқларини ўз вақтида ва сифати ижро этиш; б) ишлаб чиқариш самардорлигини оқсатиришга, махсулот (ишлар, хизматлар) сифати яхшиланишига, меҳнат унумдорлиги ўсишига, ресурслар иқтисод қилинишига қўмаклашиш, ўз ҳаммасларининг ишлаб чиқаришдаги илгор тажрибасидан фойдаланиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.	
III. МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.	
3.1. Ходим ва Иш берувчи ўртасидаги яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар Ҳабестон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ улар томонидан тузилган меҳнат шартномаси асосида юзага келади.	
3.2. Қонунчиликда ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёқуд Ташқилот уставида (низомида) белгиланган ҳолларда ва тартибда яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар меҳнат шартномасига асосан қўйилган натижақисида юзага келади: лавозимга сайланиш ёки тегишли лавозимни эгаллаш учун танловдан ўтиш (танлов бўйича эгалланиши лозим бўлган лавозимлар рўйхати ва ушбу лавозимларга танлов ўтказиш тартиби 4- ва 5-иловларда келтирилган); лавозимга тайинлаш ёки лавозимга тақсидлаш; ваколатли давлат органлари томонидан ишга юбориш; Ҳабестон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятига бўлган ҳуқуққа доир тақсиднома бериш; ота-онанин그 бунг иккисининг ёки ота-онадан бирининг (ота-онанин그 ўрнини босувчи шахсининг) розилиги; иш берувчининг зиммасига меҳнат шартномасини тузиш мажбуриятини юклатиш тўғрисидаги суд қарорини қабул қилиш; шақсий меҳнатдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ва фуқаро-	
	5

ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

XV. МЕХНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ 15.1. Келишувчи томонлар, ижтимоий шериклик принципларини тан олган ҳолда, мазкур Шартноманинг бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларнинг олдини олиш чораларини қўришни ўз зиммасига олади. Баҳслашувлар ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ҳабестон Республикаси қонунчилиги асосида ҳал этилади. 15.2. Ташқилот ва унинг таркибий бўлинмаларида яқка тартибдаги меҳнат низоларини Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тайинланган ____ нафар аъзодан тенглик асосида ташқил топган (ҳар тарафдан ____ нафардан) ва мазкур Шартноманинг амал қилиш муддатида тузиладиган Меҳнат низолари бўйича комиссия томонидан қўриб чиқилади. 15.3. Меҳнат низолари бўйича комиссиянинг фаолияти ва иш юритиш тартиби қонун ҳужжатлари ва Ҳабестон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ҳабестон Республикаси Савдо-санот палатаси томонидан тақсидланган (12.01.2015 й., 20-66 с., 15.01.2015 й., 01-СП), Меҳнат ва ақолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги билан келишилган тавсияларга асосан ишлаб чиқилган Низомага мувофиқ олиб борилади (34-илова). 15.4. Жамоавий меҳнат низолари Ҳабестон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал этилади.	
XVI. ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ 16.1. Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси ўзаро муносабатларида ижтимоий шериклик, ҳамкорлик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш тамойилларига ҳамда Ҳабестон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат кодекси, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилинади. 16.2. Иш берувчи Ҳабестон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ҳабестон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномада ҳамда Халқаро меҳнат ташқилотининг конвенцияларига биноан касаба уюшмасининг ҳуқуқларига риоя қилади, унинг фаолиятига ҳар томонлама қўмаклашади. 16.3. Касаба уюшмаси қўмитаси Иш берувчи томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига таълулли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник хизматдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек, мазкур Шартнома талабларини риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўрниларига амалга ошириш ҳуқуқига эга. Иш берувчи қонунчилик бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдирномаларни бир ҳафталик муддатда қўриб чиқиш ва кўриб чиқиш натижалари ҳақида Касаба уюшмаси қўмитасини хабардор қилади. (Ҳабестон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»и Қонунининг 34- 46-моддалари). 16.4. Иш берувчи Ташқилотда ходимларнинг ягона вакиллик орагани сифатида Касаба уюшмаси қўмитасини тан олади. 16.5. Иш берувчи: ходимларнинг ёзма аризалари асосида иш ҳақидан камда 1 фоз миқдоридида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари Ташқилот бухгалтерияси орқали ишлаб қоллиниши ва пул ўтказиш йўли билан ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда касаба уюшма ташқилотининг ҳисоб рақамига (махсус рақамига) ўтказилиши; аъзолик бадаллари бир ой муддатдан ортқ вақт мубайнда ўтказилмаган тақдирда, айбдор мансабдор шахста нисбатан интизомий чора қўрилиши қафолатлади. 16.6. Ҳабестон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 15	
	40

БУҚЛАШ ЧИЗИГИ

3.18. Касаба уюшмаси қўмитаси Ташқилотда бандлиқни ташминлаш, ишдан озод этилаётган ходимларни химон қилиш масалаларини, шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини химон қилишга доир бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. (Ҳабестон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»и Қонунининг 27-моддаси).	
3.19. Иш берувчи Ташқилот ходимларини мажбурий меҳнатга, жумладан, ҳудудларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигидаги турли ишлар, шунингдек, газета ва журналларга мажбурий обунга қилишга ҳақ қилмайди.	
3.20. Касаба уюшмаси қўмитаси Ташқилот ходимларини мажбурий меҳнатга, жумладан, ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги турли ишларга жалб қилинишининг, шунингдек, газета ва журналларга мажбурий обунга қилинишининг олдини олиш юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боради.	
IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ	
4.1. Ташқилотда ходим учун иш вақтининг нормал давомийлиги беш кунлик ёки олти кунлик иш ҳафтасида ҳафтасига қирқ соатдан ортқ бўлиши мумкин эмас. 4.2. Кундалик иш (смена)нинг давомийлиги қуйидагилардан ошмаслиги керак: а) нормал иш вақти белгиланган ходимлар учун: олти кунлик иш ҳафтасида – етти соатдан; беш кунлик иш ҳафтасида – саккиз соатдан; б) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун – Меҳнат кодексининг 416-моддасида белгиланган муддатдан; в) ногиронлиги бўлган ходимлар учун – Меҳнат кодексининг 427-моддасида иккинчи қисмида белгиланган муддатдан; г) ноқулай меҳнат шартларида банд бўлган ходимлар учун – Меҳнат кодексининг 478-моддасида белгиланган муддатдан. 4.3. Меҳнат жараянида зарарли ва қаффи ишлаб чиқариш омиллари таъсирига дучор бўладиган ходимларга, Иш ўрниларини меҳнат шартлари ва асбоб-ускуналринг жароқат етказиш хавфи юзасидан аттестациядан ўтказиш асосида, ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланади. Бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажариш вақтида иш вақтининг аниқ давомийлиги 7-иловада келтирилган. 4.4. Қисқартирилган иш вақти шунингдек, қуйидагиларга ҳам ўрнатилади: а) ____ ёқидан катта ходимлар кучалар – ҳафтасига ____ соатдан қўп бўлмаган муддатта; б) ижтимоий аҳамиятга мولى касаликлар бўйича рўйхатга олинган ходимларга – ҳафтасига ____ соатдан қўп бўлмаган муддатта; в) ____	
⁴ Маданият-тошқо ташқилотларининг, телевидение, радиоэширтириш ташқилотларининг ва бошқа оммавий ақпарат воситаларининг иқодий ходимлари, проффесионал спортчилар, шунингдек, асарларни яратишда ва (ёки) ижро этишда (на-мойиш этишда) иштирок этувчи бошқа шахслар учун, Ҳабестон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишувга қарор ишлар, касблар, лавозимларнинг тақсидланган рўйхатларида мувофиқ ҳар кунги ишинг (сменанин) давомийлиги қонунчилик, ички ҳужжатларга, жамоа шартномасига ёқуд меҳнат шартномасига мувофиқ белгиланиши мумкин.	
	9

ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

8.16. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаз қилиш бўйича йўл-ўйридан ўтишни, ўқитишни, қайта тайёргарлиш, маалаксини оширишни ва меҳнатни муҳофаз қилиш масалалари бўйича билимларини текшириш ишларини ташқил этиди. Меҳнат муҳофазаси бўйича ҳар бир касб ва иш тури бўйича ишлаб чиқилган ўйриномаларга асосан ўз вақтида ходимларни йўл-ўйриқдан ўтказилишини ташминлайди ва доимий назорат қилади. Ишга энги киритилган барча ходимлар, бошқа ишга ўтказилаётган, шунингдек, қайта ишга олинган ходимлар учун иш берувчи меҳнатни муҳофаз қилиш бўйича йўл-ўйриқ беришни амалга ошириши, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдан кўрсатишга оид ўқувни ташқил этиши шарт. 8.17. Меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларнинг ўқшини улар сайлангандан сўнг бир ой ичида касаба уюшма қўмитаси иштирокчида ташқил қилади. 8.18. Меҳнат муҳофазаси бўйича вақил этилган шахста ўз зиммасига оқлатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камда икки соат иш вақт ажратлади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртча ойлк иш ҳақини саклаб қўлади. Меҳнат шартларини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатган вакилларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиради ҳамда ҳар қорак ағнага кўра мукофотлайди. 8.19. Бинолар, ичиноллар, асбоб-ускуналардан фойдаланишда, техноло-логик жараянларни амалга оширишда, шунингдек, хом-ашё ва материаллар ишлаб чиқаришда қўлашда, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда ходимларнинг хавфсизлигини ташминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. 8.20. Ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касаликларига қалиниши ёки саломатлиқининг бошқа хит шикастланиши тўғрисидаги зарар тўлиқни қўзда тутилган миқдорда нафақа ва зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тўлиқни лозим бўлган ойма-ой тўловларини тўлиқниши ўз вақтида ташминлайди. 8.21. Ходим ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда жароҳатланганда ёки касб касаликларига оқибатида вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотганда ўртча ойлк иш ҳақининг 100 фозини миқдорда тўловни амалга оширади. 8.22. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши, шунингдек, касб касаликларига белгиланган тартибда текширилиши ҳамда ҳисобга олинишини ташминлайди. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишлар бажарувчи (хизматлар кўрсатувчи) шахсларга нисбатан ҳам ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши, касб касаликларига белгиланган тартибда текширилиши ва ҳисобга олинишини ташминлайди. 8.23. Меҳнатни муҳофаз қилиш норматив талабларига мувофиқ бўлган меҳнат хавфсизлигини ва шарт-шароитларини, шунингдек, меҳнатни муҳофаз қилишни бошқариш тизимини яратиши ва унинг ишлашини ташминлайди. 8.24. Тегишли касаба уюшмаси органларининг, ходимлар томонидан сайланган бошқа вакилларнинг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқланган қондабузарлик-лари ҳақидаги кўрсатилган ҳамда тақдирномаларини ўз вақтида кўриб чиқиши, аниқланган қондабузарликларни бартараф этиш бўйича қўрилган чоралар ва уларнинг ижроси тўғрисида мазкур органлар ҳамда вакилларга хабар қилади. 8.25. Айрим тонфадаги ходимларнинг ўриндошлар, яқка тартибдаги	
	24

БУҚЛАШ ЧИЗИГИ

тадбиркорларда ёланиб ишлайдиган шахслар, уй ишчилари ва масофадан туриб ишлайдиган ходимлар, касаначилар, шунингдек, хавфга усулда ишлайдиган шахслар ва бошқалар) иш жойларини меҳнат вақтисизлиги ва гигиена талабларига мувофиқ ташқил қилиш.	
8.26. Ходимнинг ҳаётига хавф солувчи ҳолатларда карантин чоралари амалга оширилаётган, фавқулодда ҳолат жорий этилганда «Covid-19 пандемияси даврида» чеклаш тадбирларини қўлиниши шартотида давлат органлари ва бошқа ташқилотлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташқил қилиш тўғрисидаги вақтинчалик санитария қоида ва мейёрларнинг техниквий шартлари» (0372-20-сон СанҚааМ) бажарилишини ташминлайди. 8.27. Касаба уюшмаларининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини ташминлаш борасидаги ҳуқуқлари. Касаба уюшмалари меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасида ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химон қилишни амалга оширади. Касаба уюшмалари, шунингдек, ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаз қилиш бўйича вақил этган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга: – ташқилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шартотлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касаликлари ҳақида ахборот олиш; – ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаликлари текширишда иштирок этиш; – ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф тутилган ҳолларда ишларни тўқатиб туриш, шунингдек, меҳнатни муҳофаз қилишга оид талабларнинг бузилишини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига тақлифлар киритиш; – меҳнатни муҳофаз қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларига назарда тутилган меҳнатни муҳофаз қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш; – ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини си-наш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш; – меҳнатни муҳофаз қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш; – меҳнатни муҳофаз қилишга оид талабларни бузганлиқда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини ишригиланида айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш; – меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши тўғрисидаги зарарнинг ўрни қоплатиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиги ва меҳнати муҳофаз қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини химон қилиб, судга мурожаат этиш; – меҳнатни муҳофаз қилиш тўғрисидаги қонунчилик, жамоа шартномалари ва келишувларига назарда тутилган мажбуриятлар билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш. 8.28. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда: – ташқилотнинг таркибий тузилмаси кесимида меҳнатни муҳофаз қилиш бўйича комиссия таркибининг аъзолари, уларнинг сайлови, ўқувни (қўув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ташқил этиди;	
	25

ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

нинг қорона, ташқилот, муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартиби тўғрисидаги Низомага ва 20-иловага биноан амалга оширилади. 5.35. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда тегишли Низомага биноан йил якуналари бўйича мукофот тўлади (21-илова). 5.36. Илмий даражаси ва илмий унвани бўлган ходимлар лавозим маошига ҳар ойда ____ фозини миқдоридан устамалар тўланади. 5.37. Халқаро меҳнат ташқилотининг «Тенг аҳамиятли меҳнат учун эр-қаб
--

Адлия вазирлигига

«Е-ҚАРОР»даги беқарорликлар

Бу учун ҳокимликларга жавобгарлик борми?

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишни ягона электрон тизими – e-qaror.gov.uz платформаси давлат органларининг очиқлигини таъминлашда муҳим воситалардан бирига айланди. Чунки мазкур тизим журналистлар, жамоатчилик фаоллари, қўйинги, ахборот олиш истагидаги ҳар қандай шахс учун ниҳоятда қўлай.

Энди ҳокимларнинг бирор-бир қарор ва фармойишлари, маҳаллий кенгашлар томонидан тасдиқланган ҳужжатларни сўраб ахборот хизматларига мурожаат этишга ҳожат йўқ – интернет орқали электрон тизимга кирилса, кифоя: илланаётган ҳужжатни дарҳол кўчириб олиш мумкин.

Аммо платформага жойланаётган қарорларда шахсга тааллуқли ёки фақатгина хизмат доирасида фойдаланиш жоиз бўлган ҳужжатлар ҳам учраб турадики, маълумот изловчиларга тизимдан уларни кўчириб олиш туғул, ўқишга ҳам руҳсат йўқ, Зеро, ўзгалар сизу бизнинг розилигимизсиз шахсимизга доир маълумотлардан фойдаланишга қонунчилик йўл бермайди. Шу боис айни тоифадаги қарорларга «**ушбу ҳужжат маълумотида шахсга доир маълумотлар, васийлик ва ҳимийлик ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа турдаги фойдаланиши чекланган ахборот мавжудлиги туфайли яширилган**» деган тамга урилади.

Бирок кейинги пайларда тизимда яширилиши керак бўлган ҳужжатлар ўрнига кўпинча ҳокимликларнинг маҳаллий бюджет тақсимоти, турли сарф-харажатларга

доир, яъни солиқ тўловчиларга очиқ кўриниб туриши шарт бўлган қарорлари «шахсга оид» деган қалқон билан беркитиб қўйилапти. Аксинча, тизимда жамоатчиликдан ҳимояланиши зарур бўлган ҳужжатлар – васий, ҳимий белгилаш ённки ўзгалар парварлишига муҳтож якка-ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга оид қарорлар, иловалари, рўйхатдаги кишиларнинг муҳим маълумотлари-ю яшаш манзилларига ланг очиқ турибди. Буни қандай тушуниш керак?


Давомиз қуруқ бўлмасин: шу йилнинг январь ойи давомида республика бўйича ҳокимлар томонидан қабул қилинган молия ва иқтисод йўналишидаги 80 та қарор тизимда ҳозирги кунда ёпиқ ҳолатда турибди. Шунча қарорнинг ҳаммаси махфий ёки шахсга оид бўлиши мумкинми? Айниқса, улар тизимнинг иқтисодий йўналишидаги қисмида турган бўлса? Эслийлик, 2022 йилнинг сўнгги иш кунда қабул қилинган «2023 йил учун Бухоро вилоятининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида»ги кенгаш қарори ҳам айнан «шахсга оид» дея «панага олинган», бу ҳақда ижтимоий тармоқларда бонг урилгач, барча фойдаланувчилар

учун очиқ қўйилганди.

Бугун маҳаллий бюджетни тақсимот қилувчи асосий «чўмич» ҳокимлар кўлида экан, турли харажатларнинг солиқ тўловчилар ҳисобидан амалга оширилиши, хусусан, харидлар борасида кучли жамоатчилик назорати ҳамisha зарур. Бунинг учун тизимга қарор жойланаётганда уларнинг очиқ ё махфийлигини белгилаш шахсларнинг хоҳиш-истагига эмас, қонун талабига кўра амалга оширилиши шарт. Бу масалани эса адлия вазирлиги назорат қилиши керак.

Албатта, адлия бошқармалари томонидан юқоридаги мавзуда муайян муддатларда ўрганиш олиб борилади ва амалдорларнинг кўнгил майлига қараб ёпиқ жойлаштирилган қарорлар очиқ қўйилиши мумкин. Аммо шу билан чекланилади, холос. Қонун йўриғига юрмаган ҳокимлик мутасаддиларига эса чора кўрилмайдими. Аҳвол шу тарзда давом этверса, ёпиқ эшиклар ортидаги қарорлар билан маҳаллий бюджет маблағлари бемақсад совурилмаслигига ким кафолат беради? Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслигига-чи?

Нурилло НЎЪМОНОВ «ISHONCH»



«Ishonch» саволи



Ҳуқуқий маслаҳат

Иш вақтидан ташқари ишланса...

САВОЛ: Корхонамизда кўп ҳолларда, вазият тақозосига кўра, иш вақтидан ташқари ишлаш ишланади. Қўшимча ишланганлик учун ходимларга қандай тартибда иш ҳақи берилса тўғри бўлади?

Музаффар ҚИРҚИБОВ
Олмасор тумани

ЖАВОБ: Ходим учун белгиланган кундалик (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билангина қўлланилиши мумкин.

Иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса миқдорига ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касбаб уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда белгиланади.

Имтиёзли пенсия ёшидаги аёлни ишдан бўшатса бўладими?

САВОЛ: Аёллар 54 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқиши мумкин. Иш берувчи шу ёшда ишдан чиққан ходимнинг Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига кўра меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилишга ҳақлими?

Ўткир КАРИМОВ
Миробод тумани

ЖАВОБ: Ҳозир амалда бўлган Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандида ходимнинг пенсия ёшига тулганда, қонун ҳужжатлари мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига асос бўлиши мумкин эканлиги белгиланган.

Шу билан бирга, 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори билан аёлларнинг пенсия ёшига тулгандаги икки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тулганга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддатли меҳнат шартномасига кўра бекор қилиш тақиқланган.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Жараён Эзгуликнинг эрта-кечи бўлмайди

Охириги пайлар юртимизда халқимизга хос маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби эзгу фазилатлар ва қадриятларни кенг тарғиб қилишга, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга эътибор янада кучайди. Ўз навбатида, бу борада муҳим аҳамият касб этувчи, барчани меҳр-шафқатга ва ўзаро аҳилликка, тинчликдек бебаҳо неъматни мудом асраб-авайлашга ундовчи муқаддас динимизни ҳар доимгидек қадрлаш, мазкур соҳа вакиллариининг жамиятдаги мақоми ошириш, юрт равнақи йўлидаги иштирокини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади.

Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидаги биноан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси хазурда «Вақф» хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Унинг асосий мақсад-вазифалари диний-маърифий соҳани ва савобатпешалик ишларини ривожлантиришга ҳисса қўшишдан, шунингдек, масжид, мадраса ва зиёратгоҳларимизни обод қилиш, имом-хатиб, ноиблар, мудarrisлар ва талабалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга моддий-маънавий кўмак беришдан иборат, деб белгиланди.

Табиики, ўтган давр мобайнида фонд ушбу йўналишлар бўйича диққатга молик талай чора-тадбирларга қўл урди. Бунга унинг биргина Тошкент шаҳар филиали томонидан бултур амалга оширилган ишлар мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Дарвоқе, ҳисобот даврида филиал томонидан хайрия, закот, вақф мулклари, зиёратгоҳлар, диний ташкилотлар ва акциялар орқали келиб тушган маблағлар ҳамда ҳимийлар ва ҳамкор ташкилотлар тақдим этган моддий шаклдаги эҳсонлар билан қўшиб ҳисоблаганда, жами 981 миллион 994 минг сўмлик маблағ 5144 кишига хайрия сифатида тарқатилди.

Жумладан, 44 миллион 456 минг сўм диний таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини, ўқувчи-талабаларини моддий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, 17 миллион 633 минг сўм тўлов шартномаси пулини тўлаш ва бош-

қа рағбатлантиришлар, 38 миллион 920 минг сўм пойтахтдаги мурувват ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати учун сарфларни, Бокучиси йўқ, кўмакка муҳтож фуқароларга турли моддий кўринишларда 279 миллион 92 минг, тезкор кўмакка эҳтиёжмандларга 9 миллион 934 минг, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 312 миллион 900 минг сўмлик ёрдамлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, шаҳардаги зиёратгоҳларни ободонлаштириш ва сақлашга 184 миллион 317 минг, масжидлар қурилишига 25 миллион, масжидлар ва зиёратгоҳлар ходимлари иштирокидаги тадбирларга 71 миллион 577 минг, Ногиронлар куни, Халқаро болалар куни ва бошқа вақтларда гапириш ва эшитишда нуқсонли бўлган, кўзи ожизлар, ногиронлиги бор ва эҳтиёжманд фуқаролар иштирокида уюштирилган хайрия маросимларига 165 миллион 666 минг, Умра сафарига кўмак сифатида 18 миллион сўм ажратилди.

Кўриб турганингиздек, «Вақф» хайрия жамоат фонднинг Тошкент шаҳар филиали келиб тушаётган бегараз эҳсон маблағларини ўз ўрнида ва мақсадли равишда савобли ишларга сарфлаб келмоқда. Филиал бундан кейин ҳам ушбу йўналишдаги ишларни изчил давом эттиради. Айни чоғда, ўз фаолиятини ҳар қачонгидан такомиллаштиришга оид тақлифларни мамнуният ила қабул қилиб, савобатпеша инсонларни ҳамкорликка чорлайди.

Ўз муҳбиримиз

Самарқанд вилояти

Қишининг қаҳратон совуқлари чекинганига қарамай, шу кунлардаги асосий масалалардан бири аҳолини энергия, иссиқлик ва газ билан таъминлаш, ёқилғи қўйиш шохобчаларидаги вазият бўлиб қолмоқда. Хабарингиз бор, қиш мавсумида аҳолини табиий газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 2022 йилнинг декабрь ойида мулкчилик шаклидан қатъий назар, газ қўйиш шохобчалари фаолиятига чекловлар қиртилган эди. Унга кўра, шу йилнинг 9 январига қадар улар кечаси соат 23:00 дан кундуз 14:00 гача ишлашга ўтанди. Ҳайдовчилар тунди дам олишни унутиб, газ қўйиш шохобчалари эшиги олдида соатлаб навбатда туришга ўр-

ганиб ҳам қолгандилар. Аммо катта муаммолар ҳали олдинда экан. Янги йилнинг 9 январидан шу кунгача об-ҳавонинг янада совиб кетиши сабабли газ қўйиш шохобчалари мутлақо ишламади. Натижада бензин қўйиш шохобчаларида узундан-узун навбатлар пайдо бўлди. Ҳайдовчиларга қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида мутасадди идоралар қарори билан А-80 маркали бензин нархи туширилиб, баъзи ёнлиги қўйиш шохобчаларида унинг бир литри 5 700 сўмдан сотила бошланди. Аммо энди А-80 маркали бензин ҳам тақчил маҳсулотга айланган.

ЧОРАЛАР КЎРИЛЯПТИ, АММО...

«Мен кичкина одамман, ҳеч нарсани билмайман...»

«Тошкент – Самарқанд» автотрассаси бўйидаги «Жомбой дон маҳсулотлари» корхонаси рўпарасида жойлашган ёнлиги қўйиш шохобчаси остонасида машиналарнинг турнақатор навбатини кўриб тўхтадик. Ҳайдовчиларнинг айтишича, бу ерда А-80 маркали бензин сотилмоқда.

Биз ҳам навбатга турдик. 2 соат ўтди. Навбатимиз келганда, шохобча ходими ёнлиги тугаганини айтди. Ҳайдовчиларнинг кайфияти тушди.

– Эрталаб учта юк ташувчи машина ёнлиги олиб келганини ўз кўзим билан кўрдим, – дейди ҳайдовчилардан бири Нуриддин Алимов. – 30 тоннадан ортиқ бензин олиб келишди. Бундай ҳажмдаги ёнлигини шу вақт ичида сотиб тугатиш мумкин эмас.

Бу ҳолатнинг сабабларига ойдинлик киритиш мақсадида оператор олдида бориб, шохобча раҳбари билан боғланишни сўрадим. Ўзини таништираман ёш оператор «кичкина одам» эканини ва ҳеч нарсани билмаслигини айтди ва дарҳол дарчани ёпиб, кетиб қолди. Шохобча ва «Мароқанд нефть базаси» раҳбарияти билан боғланишга уринишларимиз эса зое кетди.



Соатбай узилишлар сабаби нимада?

Бугунги куннинг яна бир муҳим муаммоси аҳолини энергия билан таъминлаш масаласидир. Масалан, ҳозир Жомбой туманидаги «Шерқўрғон», «Кулбўсти», «Нўғохон», «Наймантепа», «Нош», Пайариқ туманидаги «Эшимоқсоқ», «Маниобод», «Оққўрғон», «Сўрисув» маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси учун электр энергияси таъминотидаги кунлик узилишлар соатбай ва дақиқабай узилишларга айланган.

– Жорий йилнинг 20 январига ўтар кечаси олти соат мобайнида чироқларимиз 10 марта ўчди, – дейди «Наймантепа» маҳалла фуқаролар йиғини фахрийси Толиб Жўраев. – Қишлоқда ёлғиз, касал кексалар бор. «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» Жомбой тумани филиали навбатчи диспетчернинг телефони эса ўчирилган. Қиш кечасининг ярмида бундай об-ҳавода қаерга мурожаат қилиши билмаймиз.

Электр таъминоти тизимидаги бундай узилишлар сабабларини ўрганиш мақсадида «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг электр энергиясини етказиб бериш, энергия тизими барқарорлигини сақлаш, шунингдек, электр таъминоти тизимидаги мувозанат ва хавфсизлигини сошлаш билан шуғулланувчи Call-марказига қўнғироқ қилдик.

Дастлаб қўнғироғимизни робот-оператор қабул қилган бўлса керак, у «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ҳақида ўзбек ва рус тилларида қисқача маълумот бергач, агар абонентларни электр энергияси билан таъминлаш бўйича тақлиф, шикоят ёки аризалар бўлса, «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ Call-марказининг 11-54 қисқа рақамига қўнғироқ қилишни маслаҳат берди.

Ушбу ташкилотнинг қисқа рақами 20 дақиқа давомида банд бўлди. Ниҳоят, у 0 рақамини босиб, оператор билан боғланишни айтди. Шундан сўнг оператор қўнғироғимиз 32 рақами билан рўйхатдан ўтганини айтди. Шундай қилиб, навбатимиз келгунча деярли 40 дақиқа кутдик.

«Бошлиқлар билади...»

Ниҳоят, робот эмас, жонли оператор йўшакни кўтариб, манзилимизни сўради. У эса шикоятларимизга қулоқ солмай, бизни тез орада «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» корхонаси билан боғлашни айтди. Яна 10 дақиқа кутдик. Бу ерда ҳам робот биринчи бўлиб қўнғироғимизга жавоб берди ва қўнғироғимиз 21 рақамда қайд этилганини айтди.

Навбатимиз келгунча яна 15 дақиқа куттишга тўғри келди. Ниҳоят, «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» корхонаси навбатчи операторининг узоқ кутилган овозини эшитдик.

- Қаердан қўнғироқ қилияпсиз?
- Самарқанддан.
- Бу газеталар қаердан чиқади?
- Самарқанддан.
- Муаммо нимада?
- Пайариқ ва Жомбой туманларининг кўпгаб фуқаролар йиғинларида электр таъминотида нима учун тез-тез узилишлар бўлаётгани сабабини билмоқчи эдик.
- Биласизми, мен оддий операторман. Бундай узилишлар сабабини фақат бошлиқлар билади. Афсуски, улар ҳали келгани йўқ. Эртага кечкурун қўнғироқ қилсангиз, яхши бўлади. Мен сизнинг саволингизни уларга албатта етказаман. Ҳа, менимча, чоралар кўрилмақда.
- Кечирасиз, исм-фамилянгиз нима?
- Мен исминми айта олмаيمان. Рухсат берилмаган. Хай!
- Ууллас, қарийб 3 соатлик уринишлардан сўнг олган жавобимиз шу бўлди.
- Гушакни қўйдиму, тизимдаги узилишларга ҳўжасизлик, ортиқча бюрократия ва бошбошдоқлик ҳам сабаби эмасмикин, деб ўйлаб қолдим. Сиз нима дейсиз?

Ёрмадор РУСТАМОВ



МАВХУМ МАКОН ОРЗУСИ

Телевизорда китобхонлик мусобақасида ғолиб чиққанларни тақдирлаш маросими бўляпти. Ғалабага эришган қизнинг кўзлари яшнайди, у ўзини дунё кучоқ очиб кутаётгандек ҳис этапти. Ўзига берилган сертификат ва бир ўрам китоблар совғасидан боши осмонда.

Эртаси куни республика газеталаридан бирида пойтахт мактаблари ўртасида инглиз тилини билиш бўйича беллашув ўтказилгани ҳақида хабар берилди. Унда ғолиб мактабга 500 миллион сўмлик мукофот топширилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди...

Менимча, биз нигоҳлари ўз эли

ва юрти ташвишларига эмас, балки мавхум узокликларга тикилаётган авлодни тарбиялапмиз. Бу мавхум узоклик Европа ёки АҚШ экани барчага аён. Баъзи тадқиқотчилар ёшларимизнинг ўша томонларга кўчиб боришини ижобий ҳолат сифатида баҳолашади. «Бундай ташқи миграция мавхум узоклик учун ҳам, аниқ яқинлик учун ҳам

фойдали», дейишади.

Демак, ким қаерни ёқтирса, ўша ёққа кетаверсин, бу ўлкада ўсиб-улғайиб, бегона юртга хизмат қилаверсин экан-да... Энг ачинарлиси, бу ғайримиллий урфни аксарият ота-оналар ҳам фарзандлари онига синдиришапти. «Бизнинг умримиз ташвишлар билан курашиб ўтди. Энди, ҳеч бўлмаса, сизлар дунёни кўринглар, шод ва фаровон яшанглар», дейишапти.

Ҳаётини ғам-ташвишлар инсон тасаввурига, унинг жамиятга муносабатига таъсир кўрсатади, иродаси заиф кишини букади. Илкони борлар эса улардан қочиб кутулганидан хурсанд бўлади.

Илмий адабиётларда «космополитизм» деган тушунча бор. Космополитизм – мавхум макон. «Бедана қаерга борса, битбилдик» деганларидек, ўша жой уники. У ин курмайди, тузум босиб, азият чекмайди, дон қидириб, полапонларини боқиб билан банд бўлмайди. Мавхум авлод ҳам битбилдик авлод. У жиндек озуқадан хурсанд, агар арзимаган ишни бажариб, кўча суғуриб ёки тўшакка

михланиб қолган кампирнинг хизматини қилиб, доллар олса, бас...

Президентимиз АҚШга борганида хориздаги юртдошларимиз билан суҳбатлашиб, уларни Ўзбекистонга таклиф қилди ва ўзлари истаган лавозимга кўйишга ваъда берди.

Ҳўш, натижаси нима бўлди? Бир-икки ватанпарварни эсласак, қолганлари эл ташвишларини бўйинларига олишни лозим кўришмади. Келганлари эса, кейинчалик афсус чекишганидан хабарим бор. Наҳотки, юртимиз шу даражада мафтункор бўлмай қолди? Наҳотки, маълум бир имконлар туфайли мавхум узокликка кетганлар ўзларига нон, туз бериб катта қилган элнинг ғам-ташвишларига шерик бўлишни истамасалар?

Аслида айб катта-бояда, таълим-тарбияда, маҳаллада, оилада. Чунки ўқувчилари инглиз тилини яхши билган мактабга 500 миллион сўм мукофот берамизу ўзбек тили ва адабиёти бўйича мусобақа ғолибига қуруқ қоғоз (сертификат) ва бир ўрам китоб совға қилиш билан кифояланамиз.

Биз жамиятдаги ва тарбиядаги камчиликларни ўтиш даврига юклашга, бу давр мураккабликлари ва машаққатлари сабабларини ички ва ташқи душманлардан излашга одатландик. Кимдир бошқача фикрласа, уни экстремистга, этикоддини ҳимоя қилса, фундаменталистга, ҳукуматга эътироз билдирса, анархистга чиқардик ва мустақиллик душмани деб атадик. Айнан ўша кезлар мавхумликдан нажот кутиш инстинкти пайдо бўлди. Тўғрироғи, мавхумликка умид кўрқув

Мулоҳаза

инстинкти билан уйғунлашиб, умумий хислатга айланди. Ўз орзу-армонлари ва тинчлиги учун яшаш аввал айрим шахслар истагига, кейинчалик оммавий воқеликка айлана бошлади. Баъзи соҳалар раҳбарлигига ғарбпараст кишилар келиши билан мавхумлик янада аниқлик касб этди ва ғарбпарастлик оммавий ҳаракат тусини олди. Умрида ғарбга бормаган, у ерлардаги реал ҳолатни билмаган ва бу ҳақдаги бирор асарни ўқимаганлар таълим-тарбия, маданият соҳалари раҳбарлигига кўтарилдилар. Оқибатда 4 мингдан зиёд оммавий кутубхона йўқ қилиниб, бинолари ва майдонлари сотиб юборилди. 6 миллиондан зиёд китоб йиртилган-титилган ҳолда макултурага топширилди. Қишлоқларда клублар, маданият уйлари деярли қолмади...

Хайриятки, кейинги пайтларда мавхумликни енгишга интиляпмиз. Бу борада нималарнидир ўзгартиришга ва янгиларини яратишга ҳаракат қилаямиз. Ушбу жараёнда коррупция, аҳоли турмушига беғамлик, кўзбўямачилик, айниқса, маъмурий ва ижро идораларида қоқайдиликка йўл кўйилмаслиги лозим.

Қисқаси, эндиликда жамиятимиз мавхумликдан чиқиш сари қадам қўйган, унда ўзини англашга, келажакни порлоқ кўришга иштиёқ уйғонган. Бу ишонч ва умидни сўндирмаслигимиз, доимо ҳаракатчан ва сергак бўлишимиз керак. Бу давр талабидир!

Виктор АЛИМАСОВ



АРОСАТДА ҚОЛГАН ТАЛАБАЛАР

Талабаликни умрнинг олтин даврига қиёслашади. Чунки бундай бахтга муяссар бўлган йигит-қизлар, биринчидан, пухта билим олиши имкониятини қўлга кири-тадилар, иккинчидан ўқиш жараёнида бир умрлик сadoқатли дўстлар ортиридилар. Лекин илму толибликнинг ўзига хос завқи билан бир қаторда, «мусофирлик» дея аталмиш заҳмати ҳам бор. У кейинги пайтларда аксарият талабаларимизни мушкул аҳволга солиб қўймоқда.

Масалан, бошқа шаҳар-қишлоқлардан Тошкентга келиб ўқийдиганларни сўнгги пайтларда жуда кўп қийнаётган муаммоларидан бири тураржой масаласи бўлмоқда. Чунки пойтахтдаги олий таълим муассасаларининг аксарияти ўз талабаларини ётоқхона билан тўлиқ таъминлай олмайди. Шу боис ёшлар ўзлари таҳсил олаётган институт ёки университетга яқинроқ ҳудуддан ижарага уй излайдилар. Топган тақдирларида ҳам, унда шароит яхши бўлмайди: ё ҳаддан зиёд кўп одам яшаётгани туфайли бемаълдор дорс тайёрлашнинг ва дам олишнинг иложи бўлмайди ёки ижара нархи осмондалиги ҳар қандай талабани моддий жиҳатдан танг аҳволга солиб қўяди. Борди-ю, бу ердан узокроқ тумандан сал арзонроқ хона топса, бошқа бир муаммага дуч келиши, автобус ва метролардаги тирбандликлар сабабли дарсга вақтида етиб келолмаслиги мумкин.

Қолаверса, катта шаҳарда ўқиш осон кечмайди. Шартнома тўловини тўлаш ва кундалик харажатлар учун уйндагилардан ҳадеб пул сўрайверишга айрим ёшларнинг юзи чидамайди. Қизлар-ку, майли, лекин ўғил болаларнинг кўпчилиги ишлаб,

ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш пайида бўлишади. Аммо иш топишда ниҳоятда қийналишади.

Бир курсдошим «Оилада учта талабамиз, учаламиз ҳам контракт асосида ўқиймиз. Ота-онам жуда қийналяпти, ишласам бўлмайди», деб юрганди. Яқинда йўлда кетаётган эшонлар тахтасидаги «Ишга таклиф қиламиз!» деган ёзувга кўзим тушди-ю, ўша курсдошимнинг гапини эсладим. Аммо эшонни ўқиб, ҳафдалам пир бўлди. Чунки унинг охирида «Талабалар безовта қилмасин!» деган оғохлантириш бор эди.

Бошқа эшонларга ҳам бир-ма-бир кўз югуртириб чиқдим, ҳаммасида шу гап. Ажаб, нега шундай? Нима, талабанинг ишлашга ҳаққи йўқми ёки бошқалар қилиши мумкин бўлган ишни у удадалай олмайди?

Жаҳлим чиқди. Уйга келиб, талабалар ишлашлари учун қандай имконият ёки иш ўринлари борлигини Интернетдан изладим. Охири бир қаҳвахонадан иш топиб, курсдошимга айдим. Унга маъкул келди шеккили, ўша ерда меҳнат қила бошлади. Кундузи ўқиб, кечкурун ишга борарди. Роса қийналди. Дарс қолдирган ёки унга

кечкикиб келган пайтлари ҳам кўп бўлди. Охир-оқибат сессияларда паст баҳо олди.

Кўряпсизми, пойтахтда ўқийдиган талабанинг ҳаёти қанчалик мураккаблигини?.. У ишлаб оиласига ёрдам бермоқчи бўлса-ю, машғулотларда қатнаша олмаса, имтиҳонларни яхши баҳоларга топширолмаса, бу фойда эмас, турган-битгани зарар-ку. Энг ачинарлиси, у ҳаёт ташвишлари билан ўралашиб қолиб, ўқишдан кўнгли совийди. Бундай ҳолатда у ўқувчи ва маънавий мутахассис бўлиб етишиши даргумон.

Шунга ўхшаш ҳолатларни Тошкентдаги деярли барча олий ўқув юртларида кузатиш мумкин. Менинг назаримда, уларнинг баъзилари келажак учун етук кадрлар эмас, шунчаки дипломи бор оддий ишчи кучи тайёрлаб бераётганга ўхшайди. Акс ҳолда, айтинг-чи, талабалар ётоқхона масаласида то-кайгача қийналадилар? Уларга эмин-эркин ўқишлари, имкониятларига қараб ишлашлари, талабалик ростданам олтин давр эканлигини юрак-юрақдан ҳис этишлари учун қачон зарур шарт-шароитлар яратиб берилади?

Севинчой ҚЎЧҚОРОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

Ҳикмат

**Ватан тарқини бир нафас айлама,
Яна ранжу ғурбат ҳавас айлама.**

Алишер НАВОЙЙ

Футбол

ШОМУРОДОВ

Тўғри йўл тутдимми?

ВА НИҲОЯТ, ЭЛДОР ШОМУРОДОВ ҲАҚИДАГИ БАРЧА МИШМИШЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ. У ИТАЛИЯНИНГ «РОМА» ЖАМОАСИДАН «СПЕЦИЯ»ГА ОЛТИ ОЙ МУДДАТГА КЎЧИБ ЎТДИ.

Тўғриси, мен шу кунга қадар Элдорга ҳам, Моуриниога ҳам, шунингдек, «Рома»га ҳам ачинаётган эдим. Негаки, Элдор кўп вақт йўқотди. Моуринио ишончи оқланмаганидан аламзада бўлиб юрди. «Рома»дан эса катта пул кетди. Менимча, Ўзбекистонлик футбол ишқибозлари Элдорга етарлича имконият бермагани учун Моуринио ёмон кўриб қолишди. Мен бу муносабатга қаршиман. Чунки мураббийнинг шахсан ўзи Элдорни жамоасига таклиф қилган эди. Шомуродовнинг трансфер нархи ўтган бир йил ичида 9 миллион евродан 7 миллионга тушди. Жозе бунни сираям истамас эди.

«Специя» Элдор учун охириги имконият бўлиши мумкин. Ёши 28 га етган футболчимиз шартномада белгилаб қўйилган 6 ой ичида ўзини кўрсата олмаса, «Рома»дан ҳам, Моуриниодан ҳам умидини узаверса бўлади. Жозе Элдорни кўп синовдан ўтказди ва ёқтириб ҳам қолди. Аммо бу мураббий манаман деган футболчиларни кашф қилиш билан бирга, зўрларни ҳам «синдириб» келган. Андрей Шевченко ўшаларнинг биттаси ҳисобланади.

Дарвоқе, Шомуродовнинг «Специя»си айни вақтда Италия А сериясининг хавфи нуқтасида турибди. Агарда жамоа кучлилар сифидан тушиб кетса, Элдор янада танг вазиятда қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу унинг терма жамоамиздаги ўйинларига ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Хуллас, ниятларни яхши қилиб, Шомуродовнинг ўйинларини кузатишни бошлаймиз.

Яна бир гап: «Рома» ва Моуринио барибир Элдорни яхши кузатиб қўйди. Шомуродов жамоа билан хайрлашаётганда Моуринио «Элдор доимий ўйин амалиётини ошириб бориши лозим бўлган футболчи. Унинг майдонда тўлиқ ўйнашга ҳаққи бор. Агар олти ойда ўзгарса, қайтариб олишимиз ҳам мумкин», деди.

Жозе футболчини қандай ишлатиш ва қўллаш, керак пайтда руҳини қандай кўтаришни яхши билади. Тўғриси, «Рома»да Элдор Шомуродовга жанговар руҳ етишмади. Қисиниб, хавфсираб ўйнади. Рақобатга бироз дош беролмади. Моуринио аҳмоқ эмаски, бунни сезмаса. Сизди ва уни заҳирага «михлаб» ташлади. Жозеннинг қаттиққўлиги Элдор учун унчалик қимматга тушмади. У ўйинда бўлмаса-да, машғулотларда қаттиқ ишлади. Шунинг учун ҳам унга бошқа жамоалардан етарлича таклифлар бўлди.

Начора, сеvimли футболчимизга «Специя»да омад тилаймиз. Ижтимоий тармоқларда айтилишича, кучли футболчиларни харид қилиш учун жамоа раҳбарияти томонидан етарлича маблағ ажратилмагани учун айни паллада Жозе ҳам ўзига Англиядан жамоа қидираётган эмиш. Воқеалар ривожини кўрамай, кузатамиз.

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхририяти жамоаси Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимга ўғли
Улуғбек АЗИМОВ
вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва касаба уюшма кўмитаси Немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси Барно Бердиевага отаси

Турдиали БЕРДИЕВ
вафот этгани муносабати билан ҳамдардик билдиради.

МУАССИС:

O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi



ISSN 2010-5008
2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalarini
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-32
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba sifatida gazeta
nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Abdurahmonov

Musahhilar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullilov

Bosishga topshirish vaqti – 04:40
Topshirishi – 05:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
computer markazida
teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq.
Buyurtma G-213
Nashr ko'rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6

Umumiy addi 31576

14752 nusxada «Sharq»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida
chop etildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.